

АНИҚЛИК ВА ТЕЗКОРЛИК КУЧАЯДИ

СТАТИСТИК ҳисобот ҳаққ ҳужжалини планини бошқаришнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Ҳужжалик юритиш системасининг қайта қурилиши ва социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш шароитларида унинг роли янада ортади. Шу муносабат билан муҳбиримиз статистика бўлиб бошқариш бўлимининг ўринбосари Яков Ефимович ПОДЛИПСКИЙ билан суҳбатлашди.

— Ҳужжалик юритиш янги системасининг жорий қилиниши статистика органлари ишини ҳам шунга мослаб қайта ташкил этишни тақозо этди. Кейинги вақтларда бу органлар ҳужжалик механизмининг, планлаштиришнинг, ҳалқ ҳужжалини бошқаришнинг қайта қуриш, шунингдек «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ давлат ҳисоботларини тартибда келтириш, қисқартириш ва соддалаштириш бўйича ишларни бошлаб юборди. Ҳозирнинг ўзида бу йўналишда айрим тадбирлар қўйилди. Масалан, санада ўзининг муҳимлигини йўқотган, эскириб қолган катор техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ҳисоботлар бериш формаси бекор қилинди. Мавжуд ҳисоботларда эса кўрсаткичлар сонини кескин қисқартирилди. Қатор ҳисоботлар бўйича маълумотлар бериш даврийлиги ўзгаририлди.

Ҳисобга олиш ва ҳисоботларни тақомиллаштиришнинг асосий йўлларида бири бошланғич ҳисоб ҳужжати формасини унификациялаш, ҳисобот ишларини механизациялашдир.

Дастлабки ҳисобот бу шундай негизки, ундан кейинги ҳисоботларнинг ҳаммаси — бухгалтерия, операция ва статистика ҳисоботлари шу асосда шаклланди. Корхоналар ва ташкилотларда бу ҳисоботнинг тўғрилиги кейингида унинг асоси бўлишида муҳим роль ўйнайди.

Бирок статистика органлари томонидан ҳалқ ҳужжалининг турли тармоқларида қарашли корхоналар ва ташкилотларда ўтказилган текширувлар бошланғич ҳисоботнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганини, улар давлат бериш ҳисоботлардаги маълумотларга мос эмаслигини кўрсатди. Қўл-қўл корхоналар ва ташкилотларда раҳбарлар томонидан тасдиқланган бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва уларнинг оборот графити формалари ҳамон йўқ. Бу

ҳужжатларни тайёрлашда белгиланган муддатларнинг бузилиши сабаб бўлмоқда. Корхоналар ва ташкилотларда бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг унификациялашган формаларини жорий қилиш даражаси ҳамон пастлигича қолмоқда. Масалан, Аҳолига маъиш хизмат кўрсатиш министрида у 30 процентни, Маҳаллий саноатда 40 процентни, Ёнгил саноат корхоналарида 10 процентдан 60 процентгача, автомобил йўллари қурилиш министрида 30 процентгача жорий қилинган ҳолда.

Ҳозирги вақтда давлат статистикасининг барча системасини қайта қуриш ишлари бошланди. Агар илгари областда 2 та ташкилот — статистика бошқармаси ва ҳужжалик ҳисоботи ахборот бериш ҳисоб-китоб бўйича хизмат кўрсатувчи бирлашма мавжуд бўлган бўлса, ҳозир уларнинг ўрнида ягона орган — статистика бошқармаси, ташкил этилди. Унинг фаолияти тўла ҳужжалик ҳисобини қамраб олади. Бу қайта қуриш даври рўҳига тўғри келади.

Статистика ишини тубдан қайта қуриш ва яхшилашнинг 3 та муҳим жиҳати бор. Уларнинг биринчиси давлат статистикасининг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга таъсирини кучайтиришдан иборатдир. Бу ҳалқ ҳужжалигига раҳбарлик қилиш системасида статистик органларнинг ролини ошириш билан боғлиқ.

Мавжуд статистика системаси жуда катта маълумотлар ҳажмига эга бўлган ҳолда давлатнинг ўз вақтида тайёрланган ва чуқур таҳлил қилинган статистик ахборотга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришни таъминлашдир. Кейингиларни таъминлашнинг муҳим жараёни янада таҳлил қилиш, қилинган, уларни таҳлил этиш эса иқтисодий ўсишга ёрдам берадиган резервларни қидириб топиш, ҳужжалик фао-

лиятдаги камчиликларнинг асосий сабабларини аниқлашга қаратилмаган эди.

Эндиликда статистика органлари олдига жамиятда содир бўлаётган чуқур ўзгаришларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, ўтмишнинг умумлаштириб қолмай, айни вақтда ҳалқ ҳужжалигига тўғрисидаги тенденцияларнинг прогноз қилиш каби жуда муҳим вазифа қўйилмоқда. Албатта, бунда иқтисодий ишлаб чиқаришнинг самардорлигини ўстиришга ёрдам берадиган мавжуд резервларни аниқлашга алоҳида эътибор берилади.

Иккинчидан, статистиканинг ошқоралиги доирасини янада кенгайтириш, ушбу кенг жамоатчилик ва аҳоли учун тушунарли бўлишидир. Ҳозирги вақтда статистиканинг ошқоралиги совет жамиятининг демократлаштириш, меҳнатқашларнинг давлат ишларини бошқаришга жалб этиш, корхоналар ва

Учинчидан, статистика органлари сифат кўрсаткичларига нисбатан кескин бурилиш яшашлари керак. Жуда кўп кўрсаткичлар эскириб қолган ҳозирги вақтда бу жуда зарур. Эски тартибда маълумотлар тўплаш раҳбарлигининг маъмурий усуллари мавжуд бўлган даврда кенг тарқалган эди. Улар ҳозирги шароитларга мувофиқ жавоб бериб қолмайди.

Корхоналар ва ташкилотлардаги низоҳатда авж олиб кетган қозғошлар, бўлар-бўлмас ҳисоботлар ва маълумотлар тўплаш мутахассисларнинг кўп вақтини олаётганлиги ҳеч қандай сир эмас. Бу ҳақда тушунтириш шикоятлари оқими қамалган. Корхона зарур бўлмаган турли хил ҳисоботлар беришдан ҳалос бўлиш ҳақида жуда кўп гапирилди ва ёзилди, ҳатто қатор қаторлар ҳам қабул қилинди. Бирок ахир жуда суст яхшиланмоқда. Айрим корхоналарда давлат ҳисоботларининг қайтарилиши билан бир каторда, айни жон бўлса «ёввойи» ҳисоботлар ҳамма кўпайиб кетди. Масалан, ўтган йилнинг ўн бир ойида област статистика органлари қонунсиз ҳисоботларнинг 139 та формасини аниқлади. Улардаги маълумотлар ҳажми 227 мингта эди.

«Стройрембелстрой» ташкилотларида ҳудуди шундай етти форма аниқланди, уларда 23 минг кўрсаткич жамланган эди. Област меҳнат бўлимида 95 минг кўрсаткич акс эттирилган 13 та форма, «Ташкентводстрой» трестиде эса 10 минг кўрсаткич қайд этилган 14 та форма аниқланди. Област агроасаноат комитетининг 3-қурилиш трестиде эса 22 та форма мавжудлиги маълум бўлди. Уларда жамланган кўрсаткич эса 59 мингта экан.

Бу ана шу корхоналар ва ташкилотларда иккинчи ўн йўналиш қозғошлар авж олганлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир. Шундай экан, статистика органлари жойларда ҳисобот низомига риоя қилиниши устидан назоратини янада кучайтириши керак. Биз қонунсиз ҳисоботларни аниқлаб, уларни бекор қилиб қўймоқчимиз, айни вақтда ана шу мақсадлар учун сарфланган харажатларни айбдорнинг ўзидан ундириб олишни йўлга қўямиз. Чунки ҳозирги вақтда

барча давлат бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари давлат статистикасида назарда тутилмаган маълумотлар ва ҳисоботларни талаб қилишлари, корхоналар ва ташкилотларни эса бундай ҳисоботларни беришлари қатъий ман қилинган.

Ҳисоботлар бериш муддатларини қисқартириш ҳам жуда муҳим масаладир. Чунки ахборот вақтида берилмаса у қимматини тез йўқотди. Ҳозирги шароитларда статистика органлари бу масалага алоҳида эътибор беришлари лозим. Бу соҳада айрим ишлар қилинди. Шунинг билан бир қаторда, давлат статистикасининг асосий ажулари мамлакат бўйича иккинчи кутун, област бўйича эса биринчи кутунга маълум бўлмоқда.

Ленин бу ишни тартибга солиш имкониятларининг ҳаммасидан ҳам фойдаланиётгани йўқ. Бунга эришиш учун, аввало, барча ахборот фаолиятининг энг кўп даражада автоматлаштириш лозим. Замоначий алоқа воситаларининг, электрон-ҳисоблаш техникасининг, янги технологиянинг кенг қўлланиши йўлидан боравериш талаб этилади.

Статистика органлари социал-тараққиётини характерловчи, меҳнатга ҳақ тўлашнинг социалistik принципларига риоя қилиниши, аҳолининг товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш, уй-жой проблемасини ҳал қилиш, инсон омиллини активлаштириш билан боғлиқ бўлган ахборотларни тайёрлаш ҳам кенгайтирилди. Биз қасбга союзн ташкилотлари ва меҳнат комитети билан биргаликда социал-иқтисодий масалалар юзасидан жамоат фикрини мунтазам ўрганиб боришни ҳам йўлга қўямиз.

Ҳисобга олиш ва ҳисоботлар бўйича бутун ишлар комплексини амалга ошириш ҳужжалик механизмининг қайта қурилиши бориши ва ажуларни тўғрисидаги зарур ахборотлар билан планлаштириш, молия ва бошқа бошқарув органларини ўз вақтида таъминлаш, шу билан бирга иқтисодий иш мавзусини анча кенгайтиришга ёрдам беради, айни вақтда қўшиб ёзиллар ва кўзбўямачиликларга қарши кураш таъсирини орттиришга хизмат қилади.



«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллектив мамлакатини пахтакорларга турли-туман қишлоқ ҳўжалик машиналари етказиб беришни йил савийн қўнайтармоқда. Суратда: жуғатин учун тайёрглаб қўйилган УПХ-1.5 «В» қўсак чувиш агрегатлари.

М. Нуриддинов фотоси.



БИР СОАТЛИК ПУХТА ДАРС — БИР АСАРГА ТЕНГ

Дарс тугагач, ўқувчилар Фира Исофова Кузнецова атрофини ўраб олишди. — Илтимос, кейинги дарс ҳам рус тили бўлсин.

— Майли, бўлақолсин. — Йўқ, болалар. Энди эриш суҳбатини эртага давом эттирамиз, бугунгидек пухта тайёргарлик қўрасизлар. Ҳозирча хайр.

Ўқувчилар муаллимлари билан хайрлашди-ю, лекин қувноқ чехраларини қандайдир тундлик эгаллади. Улар ана рус тили дарси бўлишини хоҳлашарди. Аммо бунинг иложи йўқ. Бошқа предметлар ҳам ўқитилиши керак. Шунинг учун эртагача кутинишга тўғри келади.

Шу таразда ҳар кун рус тили дарсини ўқувчилар интиқ билан кутинишди. Бунинг боиси бор. Фира Исофова ўз фанини, дарс бериш методикасини мукамал билди. Ҳар бир талабасининг дилига йўл топа олади. Шунинг учун ҳам у ўзи ишлаётган Собир Раҳимов районидаги 24-ўрта мактабдагина эмас, балки районда ҳам танилди. 35 йилдан бунён ёш авлодга рус тилидан дарс бериб келётган жонқур педагог мактабда метод беришга маъмурий бошчилик қилмоқда. Бу бирлашмада ўзи билан бирга 14 нафар ўқитувчи бор. Уларнинг ҳар бири ўтган йил 3—4 мартадан бир-бирларининг дарсларини таҳлил қилишди. Анализлар бўйича ҳар ойда мунтазам йиғилишлар ўтказиб турилиб, Машгулотлардаги ўзаро кузатувларга ютуқлар билан бирга камчиликлар борлиги маълум бўлди. Масалан, юқори синф ўқувчилари дарс ўқишда фақат китоблар билан чекланиб қолмаётгани, ўқувчилар ёзма ишларида йўл қўйилган ҳатолар билан ишлашга эътибор беришмаётгани, айрим ўқувчиларнинг билимига нисбатан оширилган баҳоқар қўйилмаётгани аниқланди.

Методберишма йиғилишларида берида турли жойларга сабақлар ушатириш ва шу асосда синфларда эриш суҳбатларини йўлга қўйиш, рус тилини ўрганишда яхши самаралар беришини Ф. Кузнецова алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг ўқувчилар билан ишлаб чиқариш корхоналарига, маданий муассасаларга экскурсиялар уюштириш йўлга қўйилди. Улар қайтганларидан кейин

машгулотларда эриш суҳбатлар ўтказилди. Шу тарафда болаларда оғзаки нутқ шаклланиб бори, талаффузда ижобий ўзгаришлар бўлди.

Мактабда ҳар ҳафтанинг пайнаба кунини ўқувчиларнинг фақат рус тилида гаплашишлари ҳам тили пухталашга ёрдам бермоқда. Шу кунни талабалар мактаб радиоузелидан эшитиришлар олиб борадилар, қўшиқлар, шетрлар айтишлар, кичик сценарийлар асосида русча радиокомпозициялар тайёрлайдилар.

Рус тили бўйича билимларини мустаҳкамлашда ёзма ишлар натижалари билан ўқувчиларни ўз вақтида таништириб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Педагоглар қаторига йўл қўйган болалар билан янса тартибда ишламоқдалар.

РУС ТИЛИ — ИККИНЧИ ОНА ТИЛИМИЗ

— Бунинг учун ўқитувчининг ўзи тўла саводли ва методик жиҳатдан пухта бўлиши лозим, — деди Ф. Кузнецова. — Аммо ҳамма ўқитувчилар ҳам ана шундай талабга жавоб беради, дейиш қийин. Мен олий ўқув юртиларидан келган ёш педагоглар хусусида баъзан мулоҳазаларини билдиришни истардим. Улар билим ва методикада анча гўрлик қилмоқдалар. Ўз устидиларда мустақил ишлашни негизли ектирмайдилар. Ваҳоланки, ёш педагог дарсликдан ташқари қўлданлик газета ва журналлардан хабардор бўлиши, машгулотларнинг самардорлиги учун астойдил ҳаракат қилиши, янгиликларни жорий этиши лозим. Бунга эришмоқ учун талабни қўйиш керак. Энг муҳими — педагог ўз ўқувчиларининг қалбига қира бирилиш шарт. Бунсиз қўзланган мақсадга эришиб бўлмади.

Дарҳақиқат, ҳар бир дарс ҳаёт билан боғланмас қизақари бўлмайди. Методика — қўриш, тинмай ишлаш ва ўқиш жараёнида ҳосил бўлади. Уни эгаллаш учун аввало сабрли ва изланувчан бўлиш керак. Энг муҳими — педагог ўз ўқувчиларининг қалбига қира бирилиш шарт. Бунсиз қўзланган мақсадга эришиб бўлмади.

Собир Раҳимов районидаги 24-мактабнинг рус тили ўқитувчилари Ф. Кузнецова, В. Серков, Н. Сулаймонова, К. Вавчулар ўқитувчиларнинг ана шу томонларини пухта эгаллашган. Шунинг учун ҳам улар ўз талабаларига иккинчи она тилидан муваффақиятли дарс бермоқдалар.

Д. САЪДУЛЛАЕВ, педагог.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛГОРЛАРИ



Чарм-галантерея ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмасида Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб кутуб олиш учун социалистик мусобақа қизгин тус олиб кетди. Унда қўшчилик ишчи-хизматчилар иштирок этмоқдалар. Ушбу суратда меҳнат беллашувини илгори техника контроли бўлими ходими Феруза Одиловани кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.



МИРОБИД Файзиев «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг илгор матбаачиларидан. 20 йиллик меҳнат стажига эга бўлган бу ишчи айни пайтда Тошкент шаҳар Советининг соғлиқни сақлаш бўйича доимий комиссияси аъзоси ҳамдир. Суратда: М. Файзиев иш устида.

Т. Каримов фотоси.

Шундай одамлар бор бўлсин

ҚАЛБ ҚАРИМАЙДИ

ЎША КУНИ Раҳим ота қаёқдандир келиб, уйда омонатини ўтирган экан. Билдикни, қалби нимадан-дир дилгир ва безовта эди. Ота юрагидан гални яширмади.

— Бола йиғламаса она сўт бермайди, — деди у. — Эрталабдан бунён мактаб ва болалар ташвишидан юрбман. Ҳозир маҳалламиздаги ягона мактабда 1800 га яқин ўқувчи таълим олмақда. Хоналар етимишлари, ҳар бир синфга 40—50 бола зўрлаб жойлаштирилган. Ҳовли саҳнининг торлигидан фаразларимиз ёзиллиб сўрт билан шугуллана олишмайпти. Мактаб маъмурияти билан маслаҳатлашиб, мутасадди ўртоқлар олдида масалани қўндаланг қилиб қўйдик. Ўйлаб кўрамиз, де-

яйлапти. Қўрайлик-чи, қандай ҳал этишар экан?.. Саксон беш ёшга кирганида унга бундай ташвишларнинг нима кераги бор ўзи? Ана, мактаб учун жавоб берадиганлар бор-ку. Қўйинг, отахон, ўзингиз пенсионер бўлсангиз, тинчтинга роҳат-фароғатингизни сўриб юраремизми?..

Галнинг ростини, баъзан шундай гапларни ҳам эшитиб қолди Раҳим ота. Эшитди-ю, жини-бийрони чиқиб кетди. — Одамнинг умрини лоқайликлар қисқартиради, — деди у. — Ҳа, ишонаверинг. Бундайлар ўзининггина эмас, бошқаларни ҳам оғинга болта уради. Бундан наранг, биз қолхоз ва соххозлар туздик. Коллективлаштирилиш амалга оширдик 40-йиллари МТСга ди-

ректор эдим. Қорамда Тош-Соқа қанади. Ҳорай-Ҳорай темир йўли қурилишида қатнашдим. Ҳаммамиз бир жон, бир тан бўлиб ишлардик. Меники-сенки деган гаплар йўқ эди. Ундан кейин уруш...

Баъзан отани меҳнат қоллективларига, ёшлар ҳузурига тақдир этиб қолишарди. Бундай пайтда Раҳим ота ўзининг республикамизда оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев билан учрашганини, унинг ибратли фаолияти, маршал Жуков қўмондонлигидаги 1-Белорусия фронтини жангчилари составида ўзи немис-фашист босқинчиларига қарши қандай курашганини, Ғалаба кунини Берлинда кутиб олганлигини тўлиб-тошиб сўзлаб беради. Ёшлар отанинг бундай ватанпарварлик руҳидаги ҳикояларини мароқ билан эшитишарди.

— Олтимши йилдан бери КПСС аъзоси бўлган Раҳим ота Қозилжонов маҳалламизнинг фахри, — дейди Чилонзордаги «Мева-

зор» маҳалла комитетининг раиси Н. Саъдуллаев. — Гузаримизда бирорта тadbир йўқни у кишининг ҳиссаси бўлмасин, Янгица ўро-одалар ва анъаналарни турмушга синдиришда айнақса, жон қуйдириб хизмат қилмоқда. Ана шундай фаолларимиз ёрдамида ичкиликбозлик, тўй-ҳашаматларга беҳуда сарф-харажатларга барҳам берилди. Кейинги вақтда маҳалламизда 114-мактаб, 496-болалар богчаси, новийовна, магазин қурилиб ишга туширилди, кўчалар асфальтланди. Бундай хайрли ишларда Раҳим ота қабил актив кескаларининг хизматлари катта.

Маҳалланинг фахри бўлиш осон эмас. Меҳнатсеварлик, гамхўрлик, қўйиш-пишдилик, одамлар оғирини енгиллаштиришга интилиш қабил фазилатлари билан Раҳим ота ўз маҳаллошларининг катта иззат-ҳурматига сазовор бўлмоқда.

У. МАНСУРОВА, Тошкент шаҳри.

ширар бошланди. «Оббо, зангар-ей, бу Азимбой пихини ёрган устмон экан-ку!» Айни вақтда баъзиларнинг: «Бу тухма, Азимбой яхши одам» деган дедгасини ҳам эшитиш мумкин эди.

— Қўш, — деди пировардида Ғозиохон Азимбойга, — партия сафига қандай қингир йўллар билан кириб, кейин шермандаларча учирлигилгингизни эсларсангиз...

Одамлар оёққа қалқди. Ҳамманинг нигоҳи ўртада қизариб-бўзариб ўтирган Азим боққолга қадалди. «Биз унга ишонмаймиз. Йўқсон, ёт устур!» Ҳақинга оғиздан қўпик сочиб, ажууда ўтдай ёниб турган

Азимбой, «Камбағал дехқон» (ҳозирги «Коммунизм тоғи») газетасида сир фоти этилиб, пўстига қонилган Дедаш пирсени ва аллақанда аксинликчи-лобчи тўдалар йиғилганди. Ўртада бутунча пиширилган ёғли барра қўй гўшти, дустурхон тўла ноз-неъмат, жарангдор пиваларда қаёқда айланарди.

Азимбой отасидан даққи еган боладай мулзам бўлиб ўтирибди. Аммо, узатилган қадаҳини қайтармайдди. Алемини шарабдан олади. Ёқуббек қўлидаги қадаҳини сипқориб, бир лўқма гўштин устидан газак қиларкан, аввал Азимбойга қараб масҳара-

ўша ячейка қотиби Одил Ғозиохоннинг иш...

Шу тоғда қўзлари қизариб, ичавериб гирт маст бўлиб қолган Азим боққолга бу гаплар сарибдек ёқиб тушди: — Ростда, авра-астарининг ағдериб танқид қилишдан-ку, орият борми сенда ўзи, йигит!

Улар бу иғво ва фитнанинг уксига қандай яширинча кирган бўлсалар, тоғ қоронгусидеда Ёқуббекдан бўлак ҳамма худди шундай оёқ унда чикиб кетди.

Одилхон Ғозиохон эрталаб эгинга қоржомасини кийиб дала айланди. Дехқонлар билан

Шудгорланган дала йўлидан уйига қайтар экан, дехқонлар Ғозиохоннинг буюк инқилобчи Ҳамзаникддек хушбинчи гавдасига, белига сириб боғланган қалин тасма камарига меҳр билан қараб қолдилар: «Аломат одамда, ишқилиб умарлар узоқ бўлсин».

— Одил аёқ, хў, Одил аёқ! Теъдда жамоага етиб борар экансиз. Шошингил! — Уйига келиб эңдиканга эгинини еган Ғозиохон даразоз ортидан келган бу овоздан хушёр тортиб, яна қайта кийинди. Аппатил ўрнидан турдан-де, бориш эшик занжирини туширди. Ҳеч қим йўқ. Тухшимин-ўғимини дая ана уйга қайтиб кирди.

Ғозиохон шундай деди-де, кишлоқ марказида жамоа надораси томон йўл олди. Азият ола қопида етти ойлик қизчаси билан унинг орақсидан нигорон тикилиб қолди.

Қизил қойчоюда тумонот одам. Жамоага қинлашганда унинг рўпарасида ўғри мушукдек Дедаш пирсени пайдо бўлиб, ёғиоқдам самимият қўрсатган бўлди. Сўнгра ёнлаб ўтиб, Ғозиохоннинг бўй-

ни аралаш елкасига пичоқ санчди. Сарқор муниқ кетиб, ундан уч-тўрт қадам нарида ерга йикилди.

— Ҳа, иблис, ит эмган малъун!.. Дедаш ўлкасига ташлашиб, унга яна ва яна пичоқ урди. Икки аёл доғлаганча кимлар нидир ёрдамга чакриди. Ҳа, лойик йиғилди. Нафратли ҳаллардан қўлиб пирсенининг қўлидаги қонли дудмага ерга тарақлаб тушди. Унинг икки қўлини боғлаб қишлоқ Советига олиб келишди. Шу пайт ўз буйруғининг бажарилишини зимдан томоша қилиб йўлга тушган Ёқуббек қонга беланган Ғозиохоннинг ёнидан

нинг ҳўм-қарори шундай бўлди: — Ижтимоий шўролар жумҳурияти номидан қўли: Совет ҳокимияти ва болшевизмлар партиясининг Дўрмондаги вакили Одил Ғозиохоннинг ўлимига асосий сабаби, собиқ минбоши, советларга қарши фитнанинг бошлиғи Ёқуббек Мадалибеков, Ғозиохонни ўлдирдиша шахсан Абдураҳим шахс — жаллод Қўли Нурулхаммад ўғли, лақаби Дедаш пирсени Ўзбекистон ижтимоий шўролар жумҳурияти қонунлар мажмуусининг 64-моддасига биноан энг олий жаза — отиб ўлдиршига ҳукм қилинган.

Бир вақтлар Одилхон Ғозиохон орзу қилган давр келди. Собиқ батраклар, хотин-қизлар кейинчалик дондор жамоат арбоблари, машхур ҳўжалик ва партия ходимлари бўлиб етишилди. «Қизил Ўзбекистон» қолқонининг доғури доғон ошди. Дўрмон қишлоқ Совети раиси Мунаввар Холматов, Гулистон матбуот жамияти раиси Қорқиз Юсупова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, бригада бошлиғи Тўхтақон Абдуллаев, эвено етакчиси Муборак Йўлдошев ва бошқаларни ҳозир ҳамма ҳўрмат билан тилга олади. Улардек фидойи, жонқур ва камтар бўлишга интиладилар.

Қолхоз маркази Дўрмондаги Одилхон Ғозиохоннинг қабрига қўйилган мармар ёдгорлик ёнидан эрта-кеч гуллар ермайди. Келин-кувалар ниқодан ўтиб аввали, шу ерга келадилар, пионерлар ўз сўбларини шу ерда ўтказадилар. Бир сўз билан айтганда, бу жой изгартган аввалларнинг ишларини изгартган олданинг муборак масканга айланган қолган. Одилхон Ғозиохоннинг ойдан хотираси бугунги авлодлар қалбига яшамоқда.

Р. УБАЙДУЛЛАЕВ, Оржоникидзе райони.

